# РИШТОНДАГИ БУРҲОНИДДИН АР-РОШИДОНИЙ АЛ-МАРҒИНОНИЙ ЗИЁРАТГОҲИ ҲУДУДИДА ЙИРИК МАЪРИФИЙ МАРКАЗ БАРПО ЭТИШ ҲАМДА “ФИҚҲ” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Риштон туманидаги ўрганишлар жараёнида тумандаги Бурҳониддин ар-Рошидоний номидаги “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳида бўлди. Хайрулло Бозоров, вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг халқаро грантини жалб этган ҳолда зиёратгоҳни реконструкция ва реставрация қилиш лойиҳаси билан жойида танишди.

Зиёратгоҳнинг “Соҳиби Ҳидоя” деб аталиши фиқҳ илми, яъни Ислом ҳуқуқшунослигининг энг забардаст алломаларидан бири, “Бурҳониддин вал-Милла” (диннинг ва халқларнинг ҳужжати) номи билан шарафланган буюк олим Бурҳониддин Ар-Рошидоний Ал-Марғинонийнинг фиқҳ илмидаги шоҳ асари бўлган “Ал-Ҳидоя”дан олинган бўлиб, форсийда “Ҳидоя асарининг эгаси, яъни муаллифи” деган маънони англатади.

Режалаштирилаётган лойиҳага кўра, “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳи ҳудудида янги ва замонавий бино-иншоотлар қурилиши ва унинг негизида “Фиқҳ” илмий-амалий маркази ташкил этиш, кутубхона барпо этиш, зиёрат туризмини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лойиҳа билан танишган вилоят ҳокими, янги мажмуада Бурҳониддин Ар-Рошидоний Ал-Марғинонийнинг ҳаёти ва асарларига бағишланган музей ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-11-16 09:45:53